


# Аллоҳ ҳар бир инсонни номаи аъмоли билан чақиради



19:00 / 21 июнь 706

Аллоҳ таоло шундай марҳамат қилади:

وَأَضِلُّ أَعْمَى الْأَخْرَةَ فِي فَهْوٍ أَعْمَى هَذِهِ فِي كَانٍ وَمَنْ

وَإِنْ ۖ سَبِيلًا ۗ

«Биз барча одамларни ўз имомлари ила чақирадиган Кунни (эсла). Кимга китоби ўнг томонидан берилса, бас, ана ўшалар китобларини ўқирлар ва уларга қилчалик зулм қилинмас» (Исро сураси, 71-оят).

Барча одамлар ўз имомлари ила чақириладиган Кун қиёмат кунидир. «Имом» деб бошқаларни эргаштирувчи, ҳамманинг олдига тушиб юрувчиларга айтилади. Гоҳо «имом» сўзидан одамларнинг номаи аъмол китоблари ҳам қасд қилинади. Шундан келиб чиқилса,

**«Биз барча одамларни ўз имомлари ила чақирадиган Кунни (эсла)»** жумласидаги «имом» ҳар бир кишининг бу дунёда қилган амаллари битилган «номаи аъмоллари»дир. Демак, қиёмат куни Аллоҳ ҳар бир инсонни номаи аъмоли билан чақиради. Яъни қиёмат бўлиб, ҳамма қайта тирилиб, маҳшарга тўпланганида, ҳаммага номаи аъмоли берилади. Ўшанда

**«Кимга китоби ўнг томонидан берилса, бас, ана ўшалар китобларини ўқирлар ва уларга қилчалик зулм қилинмас».**

Номаи аъмол китоби ўнг томонидан берилиши яхшилик аломатидир. Аҳли жаннатларнинг, яъни жаннатга элтувчи амал қилиб ўтганларнинг номаи аъмол китоби ўнг томонидан берилади. Ана ўшанда улар амаллари битилган китобларини мароқ билан ўқийдилар. Ёруғ дунёда ана шундай ишлар қилиб яшаганларидан мамнун бўладилар. Уларга ажру савоблар тўлалигича берилади, заррача зулм қилинмайди.

وَأَضَلُّ أَعْمَى الْأَخْرَجَةِ فِي فَهُوَ أَعْمَى هَذِهِ فِي كَانَتْ وَمَنْ

سَيِّلاً ٧٢

**«Ким бу дунёда кўр (гумроҳ) бўлса, у охиратда янада кўр (гумроҳ) ва янада йўлдан адашганроқ бўладир» (Исро сураси, 72-оят).**

Бу дунёдан кўр-гумроҳ ҳолида – иймонсизликда, гуноҳ ва исён қилиб ўтса, у дунёда бундан ҳам баттар кўр ва гумроҳ бўлади. Қиёмат тўполонида нима қилишини билмай, гирён уради. Хору зорликка йўлиқади. Умуман,

юрадиган йўлини топа олмай, сарсон-саргардон бўлиб, охири дўзахга тушади. Охиратда шундай. Бу дунёда эса ўзлари кўр-гумроҳ бўлганлари етмагандек, бошқаларни ҳам ўзларига эргаштиришга уринадилар. Ҳатто Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни ҳам йўлдан урмоқчи бўладилар:

لِنَفْتَرِي إِلَيْكَ أَوْحِينَا الَّذِي عَنِ لَيْفَتِنُونَكَ كَادُوا وَإِنْ

خَلِيلًا ۞ لَا تَتَّخِذُوكَ وَإِذَا غَيْرُهُ عَلَيْنَا

**«Сени Бизнинг шаънимизга бошқасини уйдиришинг учун Биз ваҳий қилган нарсдан фитна қилиб буриб юборишларига оз қолди. Шундай бўлган тақдирда, албатта, сени дўст тутар эдилар»** (Исро сураси, 73-оят).

Мушриклар турли йўллар билан Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламни Аллоҳ юборган ваҳийдан буриб юборишга жуда кўп уриниб кўрганлар.

Мисол учун, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга: «Бизнинг ва ота-боболаримизнинг бутларимизни сўкишни, танқид қилишни тўхтатсанг, биз сенинг илоҳингга ибодат қиламиз», – дейишган.

Шунингдек, кофир бошлиқлардан баъзилари келиб, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга: «Бизга камбағаллардан алоҳида мажлис тайин қилгин», – дейишган.

Шунга ўхшаш анчагина таклифлар бўлганлиги тарихдан маълум ва машҳур. Агар Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам уларнинг таклифларини қабул қилсалар, Аллоҳнинг ваҳийсидан бурилган бўлар эдилар. Агар Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам уларнинг таклифларига кўнсалар, Аллоҳнинг шаънига, У Зот индирган ваҳийга бошқа нарсани уйдирган бўлар эдилар. Мушриклар эса Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламдан айна шу ҳолдагина, яъни Аллоҳ ваҳий

қилган нарсдан бурилиб, Аллоҳнинг шаънига ваҳийдан бошқа нарсани уйдирганларидагина рози бўлар ва у зотни дўст тутар эдилар.

قَلِيلًا شَيْئًا إِلَيْهِمْ تَرَكْنَ كِدَتَّ لَقَدْ ثَبَّنَاكَ أَنْ وَلَوْلَا



**«Агар сени собит қилмаганимизда, батаҳқиқ, уларга бир оз бўлса-да, мойил бўлишингга оз қолар эди» (Исро сураси, 74-оят).**

Ҳазрати Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг «қани энди, ҳамма одамлар мўмин-мусулмон бўла қолса» деган рағбатлари жуда ҳам кучли эди. Баъзан даъват фойдасини кўзлаб, кўнгилларига мушрикларнинг катта бошлиқларини йўлга солиш учун тадбир ахтариш хаёли ва бошқа баъзи муроса муомалалари ҳам келар эди. Шундай ҳолларда Аллоҳ таолонинг Ўзи дарҳол вазиятга аралашиб, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламни тўғри йўлда собитқадам қилар эди. Бунга «Абаса» сурасининг аввалги қисми тушишига сабаб бўлган Абдуллоҳ ибн Умму Мактумнинг қиссаси мисол бўла олади. Ваҳийдан оғишдан Аллоҳ таолонинг Ўзи асраб турганлиги ҳамда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам шахсларининг аҳамияти ушбу ҳолда яққол билинади.

**«Тафсири Ҳилол» китоби асосида тайёрланди**